UDC 378

THE AFFECT OF DIFFERENT EXTERNAL INFORMATION IN THE EDUCATION OF YOUTH AND THEIR PREVENTION

D.I. Sayfullaeva[1]

Abstract

The main purpose of this paper is to give information about the different – external influences of information technology and their prevention in education of the youth. In this process the teachers must give all their strength, knowledge, abilities and to show the right way to the youth who need their advice. It became possible to the development of ''social culture'' by using of Internet with broadcastings, radio and TV together.

Key words: youth, information technology, social culture, internet, education pedagogue, social life.

Ҳар бир жамият ўз хулқини муайян мақсадлар, манфатлар йўлида уюштирувчи, яратувчанликка чорловчи таьлимот ишлаб чиқариш кераклигига эхтиёж сезади ҳамда уларга қарши бўлган ёвуз ғояларга нисбатан кураш иммунитетини шакллантириш вазифаларини ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини кишилар, айниқса ёшлар онгига ва қалбига сингдирмасдан туриб давлат, ҳалқ ўз олдига қўйган ижтимоий, иқтисодий, илмий, сиёсий муоммоларини ҳал эта олмайди. Шу мақсадлар йўлида биз ўқитувчилар, тарбиячи ходимлар бутун кучимизни ёш авлоднинг тарбиялашга, тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қилишимиз керак.

Маданият жамият ижтимоий хаётининг муҳим таркибий қисми, мустақил соҳаси ҳисобланади. Одатда жамият тараққиётини белгилашда ижтимоий маданиятнинг мавжуд даражаси инобатга олинади. Қолаверса, жамият ижтимоий маданиятининг мавжуд даражаси эртанги ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли инсоният ўзи эришган маданиятни моддий ва маънавий тарзда гуруҳлаган ҳолда қадрият сифатида эъзозлайди.

Инсоният тараққиёти тажрибасининг кўрсатишича, миллий маданиятни у мансуб бўлган халқ, миллат ёки элат томонидан қадрият сифатида эъзозлансада, бироқ, уни ўзига тобе қилмоқчи бўлган миллат учун "ўткир қурол" саналади. Шу сабабли гегемонликка интилаётган халқ, энг аввало, ўзи тажовуз қилаётган миллатни ана шу ўткир қуролдан маҳрум этишни режалаштиради. Глобаллашув шароитида гегемонликни қўлга киритиш истагида бўлган миллат ахборот ёки "сунъий" маданий ғояларни ҳар қандай миллий маданиятни барбод этиш воситаси сифатида қабул қилиб, унга нисбатан маънавий таҳдид уюштиради. Маънавий таҳдиднинг ижтимоий моҳиятини очиб берар экан, Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов қуйидагиларни баён этади: "Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим" [1, 13 – 14].

Дарҳақиқат дастлабки Ғарб мамлакатларида XVIII асрда намоён бўла бошлаган бугунги кунда эса "оммавий маданият", "поп-маданият", "субмаданият", "подкультура" номлари билан юритилаётган ижтимоий хатти-харакатлар таьсирида миллий маданият ва қадриятлар орқали улуғланиб келинган юксак инсоний ғоялар, маьнавий-ахлоқий ҳамда эстетик меьёрларга нисбатан "янгича" салбий ёндашув кузатилмокда.

Оммавий маданият – бу муайян жамиятда аҳолининг кенг қатлами ўртасида оммалашив, маьлум мавқега эга бўлиб бораётган маданият саналади. У

---

[1]*Сайфуллаева Дилбар Иззатиллаевна* – ассистент кафедры «Информатики и биофизики», Ташкентская медицинская академия, Узбекистан.

маиший турмуш кўнгилочар томошалар, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларда яққол намоён бўлади. Оммавий маданият мазмунида аҳолининг катта қисми ҳаётини ташкил этувчи кундалик воқеа-ҳодисалар, хаётий интилиш ва эхтиёжлар акс этади.

Табиий равишда омма маданияти юксак маьнавий-ахлоқий ҳамда эстетик талаблардан холи бўлиб асосан, оғир турмуш ва меҳнат шароити, доимийлик касб этган моддий етишмовчилик, қашшоқлик ҳамда рухий зўриқишлардан маьлум вақтга бўлсада холи бўлиш, яьни кўнгилочишга ёрдам берарди. Қолаверса,оммавий маданият ҳақиқатдан ҳам маьнавий – аҳлоқий, эстетик қарашлар ва миллий-маданий қадрирятларни тан олмайди, аксинча у гуруҳ ижтимоий қатламининг ғайриоддий "истак эҳтиёжлар"ини намойши қилиш, тарғиб этишга йўналтирилади. Омма учун мўжалланган маданиятда устувор ўрин эгаллаётган ғоялар-бу кўнгилхушлик, эркин муҳаббат, бир жинсли никоҳ, фаҳш, ижтимоий зўравонлик, гиёҳвадлик, ташқи қиёфада вульгарликка эришиш, эркак ҳамда аёлларда қарама-қарши жинс вакиллари хусусиятлари, хусусан, биологик хусусиятларнинг акс эттиришига интилиш, қотилликни тарғиб қилиш кабилардан иборат бўлиб, у ўз-ўзидан шахсни тубанликка олиб боради . Оммавий ахборот воситалари матбуот, радио, телевидение ҳамда Интернет тармоғининг ривожланиши унга муқобил равишда оммавий маданиятнинг кенг қулоч ёйишига имконият яратди.

Айни вақтда "Оммавий маданият" Ғарб маданияти негизида шаклланган деган қараш мавжуд бўлса, бироқ аслида Европа ҳамда Америкада ҳам илғор дунёқарашга эга, инсоният маънавияти ва ахлоқининг юксак бўлиши учун курашувчи жамоатчилик, шу жумладан, санъатшунос ва маданиятшунослар ҳам бу кўринишдаги маданият салбий оқибатларга олиб келишидан ташвишга тушмокдалар.

"Оммавий маданият" таъсирида улғайган шахс қиёфасида қуйидаги салбий иллатлар шаклланади:

-ўзи мансуб бўлган миллат маданиятини тан олмаслик, уни инкор қилиш ва очиқдан очиқ ҳурматсизлик билдириш;

-миллий ғурур, ор-номусдан моддий манфаатларни устун қўйиш;

-миллий ўзликни англай олмаслик;

- ахлоқсизлик қилиб бўлса-да, моддий фаровонликка, тўкин ҳаётга интилиш;

-ижтимоий муносабатлар жараёнида қашшоқ дунёқараш ва ахлоқсиз ҳулқ-атворга эгаликни намойиш қилиш;

-тартибсиз ҳаёт кечириш;

-миллий маданиятни менсимаслик ва ҳоказолар.

Ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоялашда тизимли, мажмуавий педагогик чора-тадбирларни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги тизимли тадбирларнинг ташкил этилишида олий таълим муассасаларининг фаолияти ҳам алоҳида ўрин тутади. Олий таълим муассасаларида талабаларни оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоялашнинг пухта асосланган дастур ҳамда механизмнинг ишлаб чиқилиши ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг самарали, изчил ва узлуксиз ташкил этилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, оммавий маданият дастлаб Европада шаклланиб, глобаллашув даврида ҳатто Шарқ мамлакатларида ҳам кенг ёйилаётган маданият саналади. Мазкур маданият, асосан, спорт ва мусиқа соҳасида кўнгилочар томошаларнинг уюштирилиши, оммавий ахборот воситаларида унинг зўр бериб тарғиб қилинишига асосланади. Оммавий маданият намояндалари турли жамиятларда аҳолининг катта қисмига кундалик воқеа-ҳодисаларни, энг оддий, моддий эҳтиёжларни ўзида ифодаловчи, шахсни фикрлаш, мулоҳаза юритишдан ҳоли, қисқа қилиб айтганда дангаса, ялқов ва танбалликка олиб борувчи "ижод маҳсулотлари"ни тақдим этадилар. Бунинг натижасида аҳоли, хусусан, ёшлар ўз устида ишлаш, ижодий изланиш, шахсий имкониятларини кенгайтириш, қобилиятларини ривожлантириш тўғрисида қайғурмайдилар. Аксинча, қийинчиликсиз моддий маблағ топиш, кўнгилхушлик қилиш уларнинг энг муҳим ҳаётий мақсадига айланиб боради. Саноатнинг жадал

ривожланиши, овозни кучайтириш имконини берадиган техник воситаларнинг яратилиши, қолаверса, ахборотни тезкор узатишдаги қулайликлар, халқаро муносабатлар ва маданий алоқалар доирасининг кенгайиши оммавий маданиятнинг Шарқ мамлакатларида ҳам тобора кенг ёйилишига олиб келди. Оммавий маданиятнинг ижтимоий хавфи шахсни маънавий қашшоқлантириш, унда тажовузкорликни кучайтириш, руҳий ва жисмоний тобеликка мойилликни юзага келтиришдаги таъсири билан изоҳланади. Ана шу жиҳатларига кўра оммавий маданият ҳар қандай миллий маданиятнинг кушанадаси саналади. Шу сабабли ёшлар, шу жумладан, талабаларда оммавий маданиятга қарши иммунитетни ҳосил қилиш узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим ижтимоий- педагогик вазифалардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: “Маънавият”, 2008. - 13-14-бетлар
2. Ильин А.Н. Субъектность внутри массовой культуры // Электронный ж. Знание. Понимание. Умение. - М.: 2008. - №4; 3.Костина А.В. Массовая культура: аспекты понимания // Электронный ж. Знание. Понимание. Умение. - М.: 2006. - № 1; 4.Флиер А.Я. Массовая культура и её социальные функции // Ж. Обшественные науки и современность. - М.: 1998. - № 6.

© D.I. Sayfullaeva, 2019